

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
4 июнь

СЕШАНБА

№ 42 (13199)

@haqiqatonline

ИСЛОҲОТЛАРДАН АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь кунин Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, йирик лойиҳалар ва бунёдкорлик ишлари билан танишди.
Давлатимиз раҳбари дастлаб Ангрен шаҳрига ташриф буюрди.

Президентимизнинг аввалги ташрифи чоғида белгилаб берилган вазибалар асосида Ангренда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан Ангрен темир йўл вокзали барпо этилди.

Ангрен — транспорт коммуникациялари жиҳатидан муҳим стратегик шаҳар. Тошкентни водий билан боғловчи темир йўл қурилганидан кейин унинг аҳамияти янада ортди. Лекин вокзал йўқлиги боис йўловчилар узоқ станцияларга боришга мажбур бўларди. Янги вокзал шаҳар аҳолиси ва туристлар учун катта қулайлик яратди.

Вокзалда бир вақтнинг ўзида 100 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Кўтиш зали, она ва бола хонаси, тиббий пункт, овқатланиш ва савдо шохобчаларида барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари янги вокзални кўздан кечирди.

Шу ерда вилоятда туризм, энергетика, кимё, металлургия соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар тақди-

моти ўтказилди.

Тошкент вилояти сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Вилоятда 930 та сайёҳлик объекти, 10 минг 185 ўринли 155 та меҳмонхона ва дам олиш маскани мавжуд. Ўтган йили вилоятга 1 миллион 368 минг сайёҳ келган. Бу аввалги йилларга таққослаганда 3 баробар кўп.

2018 йилда вилоятда 12 та меҳмонхона ва дам олиш маскани, 7 та спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 5 та тематик боғ барпо этилди. Туризм салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда қиймати 432,9 миллиард сўм бўлган 50 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев "Чорвоқ" эркин туристик зонасида халқаро дам олиш масканлари, Билдирсой, Чимён ва Нанай ҳудудларида Франция компаниялари консорциуми иштирокида тоғ-чанги курорти барпо этиш лойиҳаларига алоҳида аҳамият қаратди. Айни пайтда ушбу инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланган.

Вилоятнинг сўлим гўшалари ва шифобахш ўсимлик дунёсидан самарали фойдаланиб, ноанъанавий тиббиёт масканлари, санаторий ва спа соғломлаштириш марказлари ташкил этилади. Мазкур янги сайёҳлик йўналишлари, шунингдек, электропоездда ташкил этиладиган бир кунлик саёҳат маршрутлари келажақда вилоятни туристлар учун минтақадаги энг оммабоп ҳудудга айлантиради.

Тошкент вилоятининг рекреацион имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида ўрмон фонди ерлари ва туризм салоҳияти юқори ҳудудларда табиий муҳитга ва ҳайвонот оламига путур етказмаган ҳолда ривожланган давлатлардагидек туризм объектларини барпо этиш, экотуризм ва сайёҳликнинг бошқа турларини кенг ривожлантириш кўзда тутилган.

Вилоят йил давомида сайёҳларни қабул қилиш имкониятига эга. Зангиота зиёратгоҳи, Чиноз бакилари, Бўканинг лаззатли таомлари, Оҳангарон туманидаги археологик ёдгорликлар, Паркент ва Ангреннинг экстремал тоғ ҳудудлари, Бўстонлик туманининг бетакорр табииати зиёрат, гастрономик, агро, эко, экстремал туризмининг йўлга қўйиш имконини беради. Ушбу имкониятлардан фойда-

ланиб, вилоятда тўрт фаслда сайёҳлар дам олишига мўлжалланган "олтин ҳалқа" туристик йўналишини ташкил этиш режалаштирилган. Бу сайёҳлик йўналиши меҳмонларни вилоятнинг бетакорр имкониятлари билан таништириш ва дам олишида улкан қулайлик яратди.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигига эътибор қаратди. Йирик инвестиция лойиҳаларини янада кенгайтириш, вилоятнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш юзасидан топшириқлар берди.

Президент Ангрен шаҳридаги 2-ички ишлар бўлимини бориб кўрди.

Бўлим учун янги бино барпо этилган. Тезкор навбатчилик қисми ва хизмат хоналари замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Профилактика, тергов, жиноят-қидирув бўлиммалари, паспорт хизмати, психолог фаолияти йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 майдаги қарорига мувофиқ Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизими жорий этилмоқда.

Давоми 2-бетда

Нурафшон шаҳрида 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раслигида Тошкент вилояти фаоллари, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

Давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, раҳбарларни юбориб, энг долзарб масалалар ҳал қилинаётгани, ҳамма жойда ўзгариш бўлаётгани, лекин Тошкент вилояти "уйғонмаётгани"ни таъкидлади.

Вақт шиддат билан ўтапти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Биз сиёсатни белгилаб, янги-янги имкониятлар яратаяпмиз. Мутасаддилар қаттиқ талаб қилиб, қуйи тизимдаги раҳбарлар жон куйдириб ишлаб, натижани таъминлаши керак. Одамлар қуруқ гапни кўтармайди. Тошкент вилоятида эса жонланиш қузатилмапти. Қани рақобат, қани илм, қани натижа, қани ташаббус, дея мурожаат қилди Шавкат Мирзиёев йиғилиш иштирокчиларига.

Катта иқтисодий салоҳият мавжуд бўлатуриб, вилоятдаги резерв ва имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани, саноат соҳаси ханузгача бир неча йирик корхона билан чекланиб қолганлиги кўрсатиб ўтилди. Бўка, Пискент, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Қуйи Чирчик, Окқўрғон ва Чиноз туманларида саноат ривожини кўрсаткичлари пастигича қолмоқда. Қуйи Чирчик, Бекобод, Оҳангарон, Пискент ва Бўка туманларида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 2-3 баробар кам.

Йиғилишда тadbиркорлик ва қишлоқ хўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларига доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президент Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш бўйича муҳим вазибаларни белгилаб берди.

2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 39 триллион 833 миллиард сўмга тенг 784 инвестиция лойиҳасидан иборат янги ҳудудий

дастур шакллантирилгани қайд этилди. Уларнинг 15 таси давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳа бўлса, 769 таси хусусий бизнес ва инвесторлар иштирокида амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 17 фоизи ишламаётгани, Ангрен шаҳри ва Чиноз туманида бу кўрсаткич 30-33 фоизга қийиб кетгани танқид қилинди. Уларнинг фаолиятини тиклаш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларга "Ҳар бир оила — тadbиркор" дастури доирасида жорий йилда 350 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича топшириқ берилди. Талаб бўлса, яна қўшимча маблағ ажратилади.

Нима учун оилавий тadbиркорлик, уйларида паррандачилик, чорвачилик, томорқачилик бўлсин, деярми? Одамларнинг даромади ошиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида 470 гектар ва "Бўстонлик-фарм" зонасида 20 гектар майдон ханузгача лойиҳалар билан тўлдирилмаган. Шу сабабли "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси Жанубий Кореянинг "Инчон" эркин иқтисодий зонасига ишончли бошқарувга берилгани маълум қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоят ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосарига вилоятдаги 20-30 тadbиркорни танлаб, Корея Республикасига хизмат сафарини ташкил этиш вазифаси топширилди. Тadbиркорлар "Инчон" эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан бевосита танишади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги ижтимоий ва коммунал соҳаларга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Давоми 2-бетда

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотлар, улкан бунёдкорлик, маънавий соҳадаги туб ўзгаришлар замирида азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари мужассам.

□ Фамхўрлик

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини янада обод қилиш, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни барпо этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан кўзланган ягона мақсад — халқимиз фаровонлигини юксалтириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Мана шундай янгиланиш жараёнларида фаол иштирок этаяётган фуқароларимиз билан бир қаторда, ҳаёт йўларида адашиб, ҳозирги вақтда хатолардан тўғри хулоса чиқарган юрдошларимизга мамлакатимиз равақига ҳисса қўиши учун яна бир бор имконият бериш — жамиятимизнинг инсонпарварлик ва адолат тамойилларига уйғун ва ҳамохандир.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айириб, ота-оналарини ҳам айрилиқ доғига мубтало қилади.

Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечирish — юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, у экин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида давлатимиз гуманистик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг амалий тасдиғи сифатида "Ҳазо муддати-ни ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон

бўлган ва тузалиш йўлига катъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Мазкур инсонпарварлик акти — давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун фамхўрлигининг ёрқин мисолидир.

Зеро, жиноятга қўл урган, боши деворга теккандан сўнг адашганлигини тушуниб етган одамларни афв этиш — муқаддас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

Фармонга мувофиқ, содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига катъий ўтган 575 нафар фуқаро афв этилди.

Уларнинг 361 нафари жазодан тўлиқ озод қилиниб, ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилди, шунингдек, 214 нафар шахсининг озодликдан маҳрум этиш жазо муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 6 нафарини аёллар, 1 нафарини чет эл фуқароси ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Фармонда қайд этганидек, жиноят содир этган шахсларни фақат жазолан эмас, балки "Ҳаётга қайтиш маърифати" ғояси асосида қайта тарбиялаш, уларнинг ўз ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барчамиз бирдек масъулмиз. Шунга қўра, Фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди.

□ Ташрифдан сўнг...



Ҳаётининг ҳар лаҳзаси нўзал,
Ўмрининг ҳар дами ғанимат...

Шерзод ҚОБУЛОВ сурат-лавҳаси

□ Томорқа — хазина

ЎЙИМИЗДАН ЧИҚҚАНИ — ЎЗИМИЗНИКИ

Бўка туманида томорқадан самарали фойдаланиш бора-бора яхши тажрибаларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилда шахсий ер участкалари эгалари томонидан 25 та иссиқхона қурилиб, ишга туширилди, томорқаларга 56 минг туп мевали дарахт кўчатлари экилиб, янги боғлар барпо этилди. Хонадонларда чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик, қуёнчилик хўжаликлари ҳам ташкил қилинапти.

— Туманимизда деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланишни ўрганиш ва хатловдан ўтказиш бўйича секторлар кесимида ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Комилжон Бойқўзиев. — Ташкил этилган минтақавий "Томорқа штаби" томонидан барча имкониятлар ишга солиниб, соҳага тааллуқли маълумотлар шакллантирилмоқда. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

ҳудудимиздаги мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланилишини таъминлашдир. Шунинг учун биз кундалик ишимизни мавжуд аҳволни таҳлил қилишдан бошлаймиз. Томорқа эгаларига қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари ва кўчатларини етказиб бериш, агротехник тadbирларни ўз вақтида бажариш ва етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиш ҳамда бошқа муаммоларни ҳал этишда кўмаклашяпмиз. Дарҳақиқат, туманда ҳар бир ҳудуднинг имкониятидан келиб чиқиб, одамларнинг қўшимча даромад манбаини шакллантириш устувор маса-



ла қилиб қўйилган. Бунинг учун имконият ҳам, манба ҳам бор. Эътибор беринг, бугунги кунда Бўка туманидаги 40 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 2 минг 250 та хонадон бўлиб, уларга тегишли 928 гектар томорқада

мева, сабзавот ва турли ре-заворлар етиштирилмоқда. Бу кичкина рақам эмас. Ай-тиш кераки, аҳоли хонадон-ларида етиштирилган маҳсу-лотларни сотишда қулайлик яратиш учун тузилган янги тизим — "Бўка томорқа хиз-

мати" масъулияти чекланган жамияти нафақат аҳоли даро-мадлари, балки фермер ва деҳқон хўжаликлари-ни ривожлантириш-га ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

